



Азиз ота оналар, мусулмон кишининг
калбига Аллох таолонинг мухаббати ўрнашганда, Иймон халоватини
сеза бошлайди.

Пайгамбаримиз саллалоху алайхи ва саллам бундай дейдилар: Учта
хислат бор. Кимки

шу хислатларни хосил килган бўлса Иймон халоватини албатта
топади: Уларнинг

аввалгиси Аллох ва Унинг элчиси (Мухаммад саллалоху алайхи ва
саллам)ни барча

бошка нарсалардан яхширок қўриши (Бухорий ривояти). Азизлар
Аллох таолонинг

исмлари ва сифатларини ўрганишимиз, Ул зотни хакикатдан хам яхши
кўришимиз

аломатларидандир.

1. Савол: Болажоним, Аллохнинг юзи хам борми?

Жавоб: Ха дадажон, Аллохнинг юзи бор.

2. Савол: Унинг юзи бизнинг
юзимизга ўхшайдими?

Жавоб: Йўк дадажон, Унинг юзи канака эканлигини
факат Унинг ўзи билади, бошка

хеч ким билмайди.

3. Савол:
Пайгамбарлару- фаришталар хам билмайдими?

Жавоб: Аллохнинг зоти канака



эканлигини Унинг ўзидан бошка хеч ким билмайди.

4. Савол: Болажоним,
Аллохнинг кулоги хам бор деймизми?

Жавоб: Йўқ, Аллохнинг кулоги бор
демаймиз.

5. Савол: Аллох таоло хама нарсаларни эшитиб туради,
дедик-ку?

Жавоб: Эшитиб туради, аммо кандай эшитиб туришини факат
Унинг ўзи билади, холос.

6. Савол: Болажоним, мана кара, Аллохнинг
кўзи бор, дедик, кулоги хам бор десак булмайдими?

Жавоб: Аллохнинг
кўзи борлигини Ул зотнинг ўзи хам пайгамбари хам айтган, аммо
Аллохнинг кулоги
бор, деб Аллох хам Расулуллох хам айтишмаган.

7. Савол: Болажоним,
демак Аллох таоло ва Расулуллох саллалоҳу алайҳи ва саллам айтган
гапларга Иймон
келтириб, Куръон ва хадисда бўлмаган нарсалардан эҳтиёт бўлишимиз
керак экан-да?

Жавоб: Ха дадажон, Аллох таолонинг исмлари ва сифатлари тўгрисида
факат куръон ва хадисга караймиз, бошкасига эмас.



Ислом Нури

21-дарс | 3

Боракаллох,
болажоним. Кел бир ўпіб күяй